

**№ S/4 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***Nº S/4 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик  
Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ .....	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ .....	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS ОBYEKTALARINING O'RNI .....	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ .....	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN .....	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ .....	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH .....	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ .....	79-90
<i>Абдуллаҗанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН .....	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН .....	96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI .....	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN .... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

## **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ҮРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

## **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbanova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI .....	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ....	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348
-------------------------------------	---	---------

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиiddин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
---	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" .....	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399
----------------------------------	---	---------

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415
-------------------------------------	---	---------

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI  
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукрова Нафиса Алишеровна*

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН  
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ..... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING  
AHAMIYATI ..... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ..... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ..... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI  
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ..... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ..... 457-465

*Atamuratova Munira*

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY  
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL  
METODLAR TAVSIFI ..... 466-471

*Нурилло Эминов*

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА  
БИР НАЗАР ..... 472-476

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Муродова Дилноза Чориевна**  
Тошкент молия институти докторанти, PhD

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш жараёнида тижорат банкларининг фаолиятини монетар сиёсат доирасида тартибга солишида дисконт сиёсати ва очиқ бозор сиёсатидан фаол тарзда фойдаланади. Мақолада тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш бўйича хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти билан боғлиқ бўлган долгарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ), Самарали Федерал Фонд Ставкаси (СФФС), Федерал Очиқ Бозор Қўмитаси- ФОБҚ, дисконт ставкаси, репо операциялари, фонд бозори, гаров, депозит, инфляция, капитал, Марказий банк.

**Муродова Дилноза Чориевна**  
PhD, докторант Ташкентского финансового института

## **ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И ЕГО ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ**

**Аннотация.** В процессе изучения опыта развитых стран он активно использует учетную политику и политику открытого рынка для регулирования деятельности коммерческих банков в рамках денежно-кредитной политики. В статье выявляются актуальные проблемы, связанные с зарубежным опытом и его практическое значение в регулировании деятельности коммерческих банков, и разрабатываются научные предложения, направленные на их решение.

**Ключевые слова:** Федеральная резервная система США (ФЗТ), Эффективная ставка по федеральным фондам (ЭСФФ), Федеральный комитет по открытым рынкам (ФКОР), дисконт ставка, операции репо, фондовый рынок, залог, депозит, инфляция, капитал, Центральный банк.

**Murodova Dilnoza Choriyevna**  
PhD, doctoral student Tashkent institute of finance

## **FOREIGN EXPERIENCE IN REGULATION OF COMMERCIAL BANKS AND ITS PRACTICAL SIGNIFICANCE**

**Abstract.** In the process of studying the experience of developed countries, he actively uses accounting policies and open market policies to regulate the activities of commercial banks in the framework of monetary policy. The article identifies topical problems related to foreign experience and its practical significance in regulating the activities of commercial banks, and develops scientific proposals aimed at solving them.

**Key words:** US Federal Reserve System (FTS), Effective Federal Funds Rate (EFFR), Federal Open Market Committee (FOMC), discount rate, repo operations, stock market, collateral, deposit, inflation, capital, Central Bank

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N29>

**Кириш.** Хозирги кунда АҚШ Федерал захира тизими тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишда дисконт сиёсати ва очиқ бозор сиёсатидан фаол тарзда фойдаланади. АҚШ ФЗТда дисконт сиёсати монетар сиёсатнинг энг муҳим воситаларидан (инструментларидан) бири ҳисобланар экан, унинг таъсирида АҚШ ФЗТ олдига қўйилган бош мақсад – максимал даражада иш жойларини яратишга кўмаклашиш, барқарор нарх сиёсатини юритиш ва узоқ муддатли мўътадил фоиз ставкасини таъминлаш [1] бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимини мувофиқлаштиришга эришишдан иборат.

Ушбу инструмент асосан таклиф омили сифатида Федерал захира фондининг мувозанатли ҳолатини таъминлашга ҳамда иқтисодиётга пул ва кредитлар таклиф қилишга ўз таъсирини кўрсатишга йўналтирилгандир. Очиқ бозор сиёсати деганда, одатда, Марказий банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни сотиб олиниши ёки сотилишидир[2].

**Материал ва метод.** Илмий тадқиқотни бажаришда статистик гурухлаш, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, қиёсий ва трендли таҳдил усулларидан фойдаланилди. Илмий мақолани ёзишда АҚШ Федерал захира тизимининг статистик маълумотларидан, халқаро эксперталарнинг илмий-тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланилди.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Хорижлик олим Ф.Мишキンнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишда Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари муҳим ўрин тутади ва мазкур операциялар қуйидаги афзалликлар эга:

1. Очиқ бозор операциялари ФЗТнинг ташабbusи билан амалга оширилади ва унинг ҳажми ФЗТ томонидан назорат қилинади. Дисконт операцияларини амалга оширишда эса, бундай назорат мавжуд эмас. Дисконт операцияларида ФЗТ, дисконт ставкасини ўзгартириш йўли билан, банкларнинг дисконт ссудаларига бўлган талабини ошириши ёки камайтириши мумкин, аммо дисконт ссудалари ҳажмини тўғридан-тўғри назорат қила олмайди.

2. Очиқ бозордаги операциялар аниқ ва мослашувчан бўлиб, улар ҳар қандай ҳажмга эга бўлиши мумкин. Агар Марказий банк захирани ёки пул базасини сезиларсиз даражада ўзгартиришни мақсад қилган бўлса, у ҳолда, кичик суммадаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш йўли билан мақсадига эриша олади. Агар Марказий банк захираларни сезиларли даражада ўзгартиromoқчи бўлса, у ҳолда, жуда катта суммадаги қимматли қоғозларни сотади ёки сотиб олади.

3. Очиқ бозордаги операциялар осон қайтарилувчанлик мазмунига эга. Агар ФЗТ очиқ бозор операцияларини амалга оширишда хатога йўл қўйган бўлса, операцияни зудлик билан бекор қилиши мумкин. Агар ФЗТ очиқ бозордан қимматли қоғозларни катта миқдорда сотиб олаётганлиги туфайли банклараро кредитларнинг фоиз ставкаси жуда пасайган бўлса, у ҳолда, ФЗТ қимматли қоғозларни сотишни бошлайди[3].

Ж.Синкиннинг фикрича тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотиш ва Репо битимларидан кенг кўламда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, бу эса, иккиламчи

қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги ва кутилаётган даромад назариясини амалиётда қўлланилаётганлиги билан изоҳланади [4].

В.Усоскиннинг хulosасига кўра, фойда кетидан қувиб банкнинг юқори рискка дучор қилиш унинг ликвидилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради[5]. Бу хulosанинг амалий аҳамият шундаки, Буюк Депрессия даврида АҚШда тижорат банкларининг оммавий тарзда банкрот бўлишининг асосий сабаби уларни фойда кетидан қувиб катта миқдорда мижозларнинг тўлов мажбурияти юзасидан кафолатлар бергани эканлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Н.Жумаевнинг хulosасига кўра, Марказий банкнинг дисконт сиёсати тижорат банклари фаолиятини ва пуллар таклифини тартибга солишда муҳим ўрин тутади ва уни такомиллаштириш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- Марказий банк ташкил қиласидан кредит аукционида кредит ставкаларининг бозор механизмлари, яъни талаб ва таклиф асосида шаклланишига имкон яратиш лозим;
- тижорат банкларининг ликвидилик муаммоларини бартараф этиш ва банк тизимида нисбатан аҳоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шаклларини жорий қилиш керак;
- ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиласми чорбасидан ошириш мақсадида, тижорат банкларининг вакиллик ҳисоблаштириш зарур;
- бозор дастаги ҳисобланган векселларни (тратта) жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим[6].

Р.Шомуродовнинг фикрича, банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш учун иқтисодиётнинг пулга бўлган реал талабини тўлиқ қондириш, тижорат банкларининг ликвидилигини ва банк тизимида ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш мақсадида, тижорат банкларининг вакиллик ҳисоблаштириш зарур[7].

З.Холмахмадов ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хulosада қиласидан, бекарор молиялаштириш манбаи бўлган девальвация захирасининг тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилганлиги, республика Марказий банкининг очиқ бозор операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банклари фаолиятидаги ликвидилик муаммосинини чуқурлашишига олиб келган асосий сабаблар ҳисобланади[8].

**Таҳлиллар ва натижалар.** АҚШ Федерал резерв банкидан чегирмали ставкада уч турдаги кредитлар мавжуд. Биринчи турдаги, бирламчи кредитлар ишончли депозит институтларига муайян муддатга, вазиятдан келиб чиқсан ҳолда бир неча соат ёки узоқроқ муддатга берилади. Федерал захира банки мунтазам мониторинг олиб боради ва уларнинг ишончлилигини аниқлаш учун ушбу институтларнинг молиявий ҳолатини баҳолайди. Депозит ташкилотлари биринчи навбатда ушбу кредитларни захира молиялаштириш манбаи сифатида кўрадилар ва уларни бошқа мақсадларда ишлатмайдилар. Кредитнинг бу тури АҚШ Федерал резерв банки лекционида “дисконт ставкаси” деб аталади. Иккинчи тур, иккиласми кредитлар барқарор депозит

институтларига берилади. Ушбу кредитлар бўйича чегирма ставкаси ишончли депозит институтларига берилган ставкадан 50 фоиз пунктга юқори бўлиб, вазиятга қараб ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Ушбу кредитлар бир кун муддатга берилади. Депозит институтларининг молиявий ҳолати доимий равишда мониторинг қилинади ва уларнинг барқарорлигини баҳолаш учун рейтинглар орқали баҳоланади. Ушбу кредитлар ликвидлик тақчиллигининг олдини олиш учун олинади ва уларни депозит институтларининг активларини молиялаштириш учун ишлатиб бўлмайди. Учинчи тур - мавсумий кредитлар кичик депозит ташкилотлари учун кредит ва депозит операцияларида мавсумий номутаносибликларни бартараф этиш учун мўлжалланган. Ушбу муассасалар мавсумий тебранишлар билан боғлиқ бўлган аниқ ҳолатларни аниқ асослаб бериши керак. Одатда бундай муассасалар қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат қиласди ёки туризм салоҳиятига эга ҳудудларда фаолият юритади. Ушбу турдаги кредит учун чегирма ставкаси бозор ставкасига teng [9].

Кредит шартлари захира талаблари қўйиладиган депозит ҳисобвараклари бўлган депозитарий муассасаларга (банкларга), шунингдек, чет элда филиал ёки агентлик сифатида фаолият юритувчи АҚШ банкларига ҳам тааллуқлидир. Ушбу муассасалар бир хил шартлар остида фойдаланишлари мумкин.

Дисконт кредит маблағлари гаров таъминотининг аниқ шартлари асосида берилади. Гаров сифатида тартибга солувчи стандартларга жавоб берадиган активлар, шу жумладан юқори ликвидли қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари қабул қилиниши мумкин. АҚШ Федерал захира банки гаровга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш хуқуқини кафолатлайди. Дефолт бўлса, гаров чегирмали кредитларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Гаровга қўйилган гаров гаров ташкилотининг ҳар қандай мажбуриятларидан озод бўлиши керак.

АҚШ Федерал захира банки гаров активларига ўзига хос баҳо (нарх) белгилайди, бу уларнинг бозор қийматидан бироз пастроқ нархни ифодалайди. Ушбу амалиёт гаровга қўйилган активларнинг бозор нархининг пасайишидан ҳимоя қилиш учун қўлланилади. Дисконт ойнаси депозитарий институтлар (банклар) Федерал фонд бозори ёки шунга ўхшаш бозорлардан ўзларининг қисқа муддатли молиялаштириш эҳтиёжларини қондира олмаганларида қўлланилади. Ушбу муассасалар томонидан олинган кредит АҚШ Федерал захира банкидаги баланс ҳисоб рақамида қайд этилган. Чегирма ойнасидан фойдаланиш қоидалари АҚШ Федерал захира тизими қонунчилиги ва Федерал захира банки директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган қоидалар билан белгиланади. Кредитлар гаров таъминлангандан кейин АҚШ Федерал резерв тизими томонидан белгиланган тегишли фоиз ставкаси (дисконт ставкаси) бўйича берилади. Ушбу чегирма ставкаси қайта кўриб чиқилиши ва ўзгариши мумкин.

Депозитарий институтлар ўртасидаги бундай операциялардан келиб чиқадиган ўртача фоиз ставкаси самарали федерал фондлар ставкаси деб номланади. Самарали федерал фондлар ставкаси биринчи навбатда бозор механизми билан белгиланади, аммо Федерал фондлар ставкасининг (ФФС) мақсадли ставкаси Федерал захира банкининг очиқ бозор операциялари таъсирида.

ФЗТ РЕПО операцияларининг икки туридан фойдаланади:

1. Тўғри РЕПО.

Бунда, ФЗТ қимматли қоғозларни тижорат банкларига, қайтариб сотиб олиш шарти билан, сотади.

## 2. Тескари РЕПО.

Бунда, ФЗТ қимматли қоғозларни тижорат банкларидан, қайтариб сотиши шарти билан, сотиб олади.

АҚШ ФЗТ РЕПО операцияларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўйлади:

- ФЗТ РЕПО операцияларини давлат қимматли қоғозларининг иштирокчилари бўлган бирламчи дилерлар (тижорат банклари) билан амалга оширади. Ушбу банклар қимматли қоғозлар бозорида юқори репутацияга ва катта тажрибага эга бўлиб, улар РЕПО операцияларининг тезкорлигини таъминлайди.

- ФЗТ РЕПО операцияларини Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари билан амалга оширади (ФЗТ манфаатлар тўқнашувидан қочиш мақсадида хусусий компанияларнинг қимматли қоғозлари билан олди-сотди операцияларини амалга оширмайди);

- ФЗТ АҚШ Ғазначилигидан унинг ФЗТдаги депозитларини кутилаётган даражаси тўғрисидаги маълумотларни олиш йўли билан захираларнинг ҳақиқатдаги таклифига анилик киритади;

- ФЗТнинг очиқ бозор операциялари бўйича менеджерлари ҳар иш қуни эрталаб бирламчи дилерлар вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати тўғрисидаги фикрларини ўрганадилар. Ушбу фикрларни ўрганиш қимматли қоғозларнинг курсларини кун давомида тебранишини олдиндан билиш имконини беради.

- ФЗТнинг очиқ бозор операциялари бўйича мутахассислари Бошқарувчилар кенгашининг “Монетар сиёсат” бўлими билан боғланиб, ўзларининг бозордаги захираларга бўлган талаб ва захиралар таклифи бўйича прогнозларини ушбу бўлимнинг прогнозлари билан таққослайди. Бунинг натижасида қимматли қоғозлар бозоридаги ҳаракат режаси ишлаб чиқилади [10].

Маълумки, АҚШ ФЗТ амалиётида Федерал Очиқ Бозор Қўмитаси – ФОБҚ (Federal Open Market Committee – FOMC) фаолият юритиб, у асосан захира талаблари ва федерал фонд фоиз ставкаларини белгилашда ҳамда улар орқали иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга (пул, кредитлар) бўлган талаб ва таклифини мувофиқлаштиришда муҳим институт ҳисобланади. Мазкур институт дисконт ставкасини белгилашда бевосита ваколатли ҳисобланмасада, аммо уни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг хуроса ва таклифлари АҚШ ФЗБ Директорлар Кенгashi томонидан ўрганилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

## 1-жадвал

### АҚШда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати, инфляциянинг йиллик даражаси ва Федерал захира тизимининг дисконт ставкаси [11]фоизда


Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
ЯИМнинг ўсиш суръати	2,3	2,9	2,3	- 3,4	5,7
Инфляция даражаси	2,1	1,9	2,3	0,1	4,7

ФЗТнинг дисконт ставкаси	1,5	2,5	1,75	0,25	0,75
--------------------------	-----	-----	------	------	------

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2018-2020 йилларда АҚШ ЯИМнинг ўсиш суръатини пасайиш тенденцияси кузатилган. Аммо, 2021 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2019 йилга нисбатан пасайган. Бу эса, асосан, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- Хитой билан давом этаётган савдо уруши натижасида зарар кўрилаётганлиги;
- 2020 йилда коронавирус пандемияси сабабли АҚШ ва жаҳон иқтисодиёти ўсишининг секинлашганлиги.

2017 – 2020 йилларда АҚШда инфляциянинг йиллик даражаси мўътадил бўлган, яъни инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаган. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, 2021 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. ФЗТнинг дисконт ставкаси 2018-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса. мазкур даврда инфляция даражасининг ошишига йўл қўймасликнинг зарурлиги билан изоҳланади. 2021 йилда ФЗТнинг дисконт ставкаси 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада оширилган. Бу эса, мазкур даврда инфляция даражасини кескин ошганлиги билан изоҳланади.



**1-расм. Bank of Amerісанинг пул шаклидаги юқори ликвидли активлари динамикаси ва даражаси [12], фоизда**

1-расм маълумотларидан яққол кўринадики, Bank of America активларининг умумий ҳажмида пул кўринишидаги юқори ликвидли активларининг улушини 2021 йилда 2018 йилга нисбатан 4,1 фоизли пунктга ошганлиги ушбу банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Аммо, 2021 йилда Bank of America банкининг пул шаклидаги юқори ликвидли активларининг миқдори 2020 йилга нисбатан 32,2 млрд. долларга камайган, пул шаклидаги юқори ликвидли активларининг жами активлардаги улуси ҳам 2,5 фоизли пунктга пасайган. Бу эса ушбу банкининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида салбий ҳолат ҳисобланади

Bank of America банкининг тўловга қобиллигига баҳо бериш мақсадида регулятив капиталининг пассивлари ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичини таҳлил қиласиз.



## 2-расм.Bank of America нинг пассивлари, регулятив капитали ва унинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи [13], фоизда

Юқоридаги расмдан кўринадики, 2021 йилда 2018 йилга нисбатан Bank of America банкининг пассивларининг ўсиш суръати 34,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, унинг регулятив капиталини ўсиш суръати 2,3 фоизни ташкил этган. Бу эса, банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида салбий ҳолат ҳисобланади. Bank of America пассивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2021 йилда 2018 йилга нисбатан 2,4 фоизли пунктга ошган. Бу эса, унинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш борасида ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, регулятив капиталнинг пассивлар таркибидаги ҳажми қанча қўп бўлса, банкнинг тўловга қобиллик даражаси шунча мустаҳкам бўлади.

**Хулоса ва таклифлар** Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш бўйича хориж тажрибаси ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиридик:

Марказий банк ташкил қиласидан кредит аукционида кредит ставкаларининг бозор механизмлари, яъни талаб ва таклиф асосида шаклланишига имкон яратиш лозим.

Тижорат банкларининг ликвидлилик муаммоларини бартараф этиш ва банк тизимида нисбатан аҳоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шаклларини жорий қилиш керак.

Ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишини рағбатлантириш зарур.

Бозор дастаги ҳисобланган векселларни (тратта) жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

Тижорат банкларининг ликвидлилигини ва банк тизимида ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш мақсадида, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобрақамидаги ҳамда мажбурий захирадаги маблағларини бирлаштириб, уларнинг резерв активларини мажбурий захирадаги маблағлари ҳажмидан юқори бўлишини таъминлаш зарур

Бекарор молиялаштириш манбаи бўлган девальвация захирасининг тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилганлиги, республика Марказий банкининг очиқ бозор операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик муаммосинини чуқурлашишига олиб келган асосий сабаблар ҳисобланади

## Адабиётлар/Литература/References:

1. АҚШ Конгресси томонидан АҚШ ФЗГа билдирилган ишонч ва мажбурият ҳисобланади. Ушбу ишонч ва мажбурият «АҚШ Федерал Захира Тизими тұғрисида»ги Қонунга мувофиқ (1913 йил), АҚШ Федерал Захира Банки Директорлар Кенгаши АҚШ Федерал Очиқ Бозор Құмитаси билан биргаликда АҚШ иқтисодиётининг барқарор ривожланишида самарали монетар сиёсат олиб боришини мувофиқлаштиришга масъул органлар ҳисобланишади. Шунингдек, АҚШ ФЗТинг бошқа функционал мажбуриятлари ҳам борки, улар молиявий тизим барқарорлигини ошириш (4-бўлим); молиявий муассасалар ҳамда улар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш (5-бўлим); тўлов ва ҳисоб-китоб тизимининг хавфсизлиги ҳамда самарадорлигини ошириш (6-бўлим); истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва жамиятни ривожлантиришга кўмаклашиш (7-бўлим) ҳамда барқарор фаолият юритадиган молиявий тизимни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатнинг фаровонлигини таъминлашдир.
2. Бобакулов Т.И, Абдуллаев У.А, Шомуродов Р.Т. Монетар сиёсат. Дарслик.- ТОШКЕНТ- 2019.-62 б
3. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 485.
4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 648.
5. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕНАНД, 2019. – 328 с.
6. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 10
7. Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 19 б.
8. Холмахмадов З.А. Миллий банк тизими: барқарорликни таъминлаш ва истиқбол//«Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. – Тошкент, 2018. – № 4 – 5, август–октябрь.
9. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 486 - 488.
10. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 483 - 484.
11. <https://www.federalreserve.gov> сайти (АҚШ Федерал захира тизими)
12. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) интернет-сайти
13. <https://investor.bankofamerica.com/quarterly-earnings>. (Bank of America) интернет- сайти

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*Nº S/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масьулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).